

Майдон ташқарисидаги ҳолатлар

Бугун спортнинг футбол тури бутун дунёда оммавийлашиб, ишқибозлари сони бўйича бошқа спорт турларига қараганда биринчи ўринга кўтарилиб олди. Ҳа тўғрида, яшил майдонда шиддатли ва жозибали тўп сурадиган футболчиларнинг 90 дақиқалик ҳаракатларини неча минг киши бевосита стадиондан туриб кузатишса, неча миллионлаб мухлислар зангори экран орқали томоша қилишмоқда. Шундай экан, ушбу оммавий ўйиннинг майдон ташқарисидаги айрим вазиятларини таҳлил қилиб кўрсак.

Биринчидан, бугунги кунда фақат ва фақат Испания, Англия, Германия, Италия ва Франция каби мамлакатларнинг элитасида иштирок этадиган клубларининг ўйинлари, барча футбол ихлосмандлари эътиборидан четда қолмайди. Ҳаттоки, умуман футболга қизиқмайдиган кишилар ҳам “Барселона”, “Реал Мадрид”, “Милан”, “Манчестер Юнайтед” каби жамоаларни эшитишган ва улар иштирокидаги ўйинларга эътибор қаратишади.

Оқибатда, юқоридаги клубларнинг кўрсатадиган чиройли, жозибали ва шиддатли беллашувлари олдида бошқа жамоаларнинг баҳслари ҳатто, ишқибозларнинг ўз миллий чемпионати ва маҳаллий клубларининг ўйинлари ҳеч нарса бўлиб қолмоқда. Натижада “Эль классико”ни ухламай ярим тунда кўрадиган айрим мухлислар “Қизилқум”да кимлар тўп суради, жамоа бош мураббийи ким деб савол берсак, жавоб бера олишмайди. Нега энди “Реал Мадрид” ва “Барселона” ўйинларидан олдин ва кейин фанатлар интернетда, кўча-куйда баҳслашишади-ю, лекин, миллий чемпионатимизда тўп сурадиган жамоаларнинг беллашуларига бундай эътибор беришмайди.

Иккинчидан, юқорида айтилган биринчи масалани ҳал этиш учун ва барча футбол ишқибозларининг эътибори Европада бўлмаслигини таъминлаш учун ФИФА Европа миллий биринчиликлари клубларига легионер футболчиларини сотиб олишига чеклов қўйиб, 3+1 лиметини жорий этиши керак. Барчанинг нигоҳини ўзига тортадиган Европа чемпионати жамоалари катта маблағ эвазига Америка, Африка, Осиё ва Австралия каби қитъаларнинг энг кучли футболчиларини сотиб олишади. Ҳаттоки, Арсен Венгер, Жозе Моуриньо, Алекс

Фергюссон ва Гвардиола каби мутахассислар “она сути оғзидан кетмаган” ёш болаларни ўз оиласидан суғуриб олиб, Европада яшашга мажбур қилишади. Шу сабабли, Европадан бошқа минтақаларда футбол унчалик жозиба намоиш этмайди. Чунки, ўзларининг ёш ва иқтидорли футболчиларисиз қандай чиройли ўйин кўрсатиш мумкин. Натижада Европа биринчиликлари олдида гарчи футбол афсунгарлари юртлари Бразилия ва Аргентина чемпионатлари баҳслари анча мазмунсиз ва савиясиз бўлиб қолмоқда. Нима учун Неймарнинг киндик қони Бразилияда тўкилса-да, лекин “Барселона” учун хизмат қилса, “Сантос”га ва мухлисларига алам қилмайдими?

Буни **3+1** лимети билан ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Яъни, масалан Европа вакили “Барселона” клуби бошқа китъалардан учта футболчи ва Европадан битта футболчини сотиб олиб, қолган ўйинчиларини Испаниянинг ўзидан ташкил қилса, ҳам Испания термаси учун ёш иқтидорларни кашф этиб ёрдам беради ва ўша бошқа китъа чемпионатларининг савияси ҳам ошади. Мисол учун “Арсенал”да инглиз футболчилари майдондаги 11 футболчидан биттани ташкил этади. Ваҳоланки, “Арсенал” ҳужумчиси чемпионатда тўпурарлик қилмоқда. Агар шу футболчи англиялик бўлганида, Англия терма жамоаси устози Фабио Капелло ҳужум чизиғи ҳақида бош қотирмасди.

Учинчидан, Европадаги мана шундай ҳолат ҳукмронлиги учун Месси, Кака, Ривалдо, Роналдо, Роналдиньолар нуфузли соврин ва кубокларни, “Олтин тўп”ни Бразилия ва Аргентинада эмас, айнан Европада қўлга киритишди. Ёйинки, нима учун Америка, Африка, Осиё ва Австралия чемпионатларида тўп сурадиган футболчилар дунёнинг энг зўр ўйинчиси деб топилмайди? Бу муаммонинг асосий сабаби ҳам Европа футболи билан боғиқ. Демакки, бутун жаҳон футбол ташкилоти ФИФА Европадан бошқа китъаларда ҳам футболни бир хил ривожланиши ҳақида чора –тадбирлар ишлаб чиқса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Усмон Абдурасулов
журналист